



ТОШКЕНТ ОЖШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 4 (9, 196) 1999 йил 11 январь, душанба

Сотувда эркин нархда

Уй муборак!

КЕНГ ВА ШИНАМ

«Лойихачи ҳамда қурувчиларга катта раҳмат», — дейди янги йилнинг илк кунларида янги хонадон соҳиби бўлган Сайёра Ғофурова. — Ташки гузаллигию хона ичларининг дид билан пардозлангани барча уй эгаларига маъқул келди».

Чинданам куни кеча пойтахтимизнинг Госпитал даҳасида «Узуйжойжамгармабанк» бюртмаси асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган яна бир кўркам ва замонавий турар жой биноси шахримизга кўрқ бўлиши турган гап. Бу 4 қаватдан иборат 32 хонадонга мўлжалланган 30-уйнинг лойихаси «Тошгипрогор»нинг моҳир лойихачилари томонидан тайёрланди. Уни бунёд этишда эса «Сифат лойиха қурилиш» хиссадорлик жамиятига қарашли «Баландқурилиш» бошқармаси қурувчилари фаол меҳнат қилишди.

— Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди шу қурилишда бўлим бошлиғи бўлиб фаолият кўрсатган Абсалом Бошманов, — янги турар жой биносидagi 12 та хонадон қуёш энергияси орқали иссиқлик берадиган батареяларда иситилади. Шу боис ҳам 1- ва 2-йўлаклардаги хонадонларни иситиш учун 4 та алоҳида қозон ўрнатилди. Бу иситиш системаси франциялик ҳамкорлар билан биргаликда ёнилги энергиясини тежаш мақсадида амалга оширилганлигини айтиб ўтиш лозим. Албатта, тажриба тариқасида бунёд этилган ушбу уйдаги бу янгилик ўз самарасини бериб, ушбу шахримизда кўплаб уйларида қўлаш кутилган натижани беради деб ўйлаймиз.

пудратчи бошқарманинг Абдуллатиф Шожонов ҳамда Шукрулла Назаров етакчилигидаги бригада аъзолари химмат кўрсатишди. Бу умумлашган бригадаларнинг кўли гул пайвандчи, монтажчи, ғишт терувчи ҳамда чилангарлари ғайрат билан ишлагани боис бугун уй эгалари хонадонлари калитини кўлга олдилар. Бош пудратчиларга эса «Сифат лойиха қурилиш» хиссадорлик жамиятининг 44-қурилиш бошқармаси, 1-хўжалик хисобидagi пардозлаш бошқармаси ҳамда 1-Тошкент механизация бошқармаси сингари ёрдамчи пудратчилар яқиндан ёрдам бердилар. Албатта, ҳамжихатликда ишлаш ўз самарасини кўрсатди. Чунки янги йил қурувчиларга ҳам, хонадон соҳибларига ҳам қувончли келди. Бунёдкорлар ваъдасини бажариб, юзлари ёруғ бўлган бўлса, уй эгалари эса орзиқиб кутган янги хонадонларига муяссар бўлишди. Айниқса, 9-хонадон соҳиби Иноғомова, 16-хонадон калитини кўлга олган Мағмамедовлар оилалари ўз миннатдорчиликларини яқин тилаклар билан ифода этишди.

Чиндан ҳам янги йилнинг илк кунлари 32 хонадонга бахш этилган шодлик энди йил бўйи уларни тарқ этмасин.

Шаҳодат ИСМАТОВА.

Уйни бунёд этишда бош



Ижарадаги Тошкент матбаа комбинати жамоаси ўтган йилни ўзига «ос ютуқлар билан якуллаб, янги йилни улкан режалар билан бошладилар.

СУРАТДА: чипта цеҳи илгорлари Абдуманнол Шарафутдинов ва Аброр Партиевлар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришига интилишди.

Рустам Шарипов олган сурат.

МИЛЛАТЛАРГА ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон Байналмиқ Маданият марказида «Миллатлараро тотувлик — барқарорлик гарови» деб ном берилган семинарнинг биринчи машғулот бўлди. Унда миллий маданият марказларининг раҳбарлари, республикамизда ишлайётган бир қанча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг намоёндалари иштирок этди.

Бундан бунёд доимий ишлайдиган бу семинар Байналмиқал маданият макази ва «Халқ бирлиги» жамоатчилиги ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан мамлакатимизда яшайётган турли миллатлар ва эллар вакиллари орасида жамиятнинг маънавий тараққиётига оид ҳукумат қарорлари ва Президент Ислоҳ Каримов Фармонларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилмоқда.

Семинарни Байналмиқал маданият маркази директори К. Расулов очди. Семинарнинг дастлабки машғулотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев маъруза қилди. Мамлакатимиздаги турли миллат вакиллариининг дўстлиги республикамизда мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан бири экани таъкидланди. Биз яшайётган миллатлараро тинчлик ва тотувлик вазиёти умумий Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, жамият ҳаёти барча соҳаларининг ривожланишига ёрдам беради.

Семинарда Президентнинг республикамиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг долзарб масалаларига бағишланган асарлари ва нутқлари ўрғанилади. Семинар тингловчилари мамлакат раҳбарияти ўтказиб берган сиёсий ва илмий-назарий асослари билан таништирилади.

Д. САИТОВА,
ЎЗА мухбири.

ДАВР САДОСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 8 январь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Куликни қабул қилди.
- Вазирлар Маҳкамасида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Шанба куни Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилда маҳсулотларни етказиш ва шодий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича шартномаларни тузишнинг боришига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.
- Тошкент вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиш кетишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлди.
- Республика матбуотида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди.
- «Анджонмаш» акциядорлик жамиятида вилоят «Агротехсервис» бирлашмаси бюртмасига биноан ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва озиклантиришда қўлла-ниладиган тақомиллаштирилган култиватор ишлаб чиқарила бошланди.
- Фарғонада божхона тизими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вилоятлараро ўқув маркази иш бошлади.
- Кеча** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари ташкил топганлигининг етти йиллиги нишонланди. Шанба куни ана шу санага бағишлаб ички қўшинлар бошқармасида тантанали йиғилиш ўтказилди.
- Ҳадича Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот марказида республика эксперт хизматлари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди.
- Тошкент Давлат университетидида ўтказилган амалий конференция «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва университетда таълим беришнинг истиқболлари» мавзусига бағишланди.
- Давлат спорт қўмитаси 1998 йилги ириқ халқаро мусобақаларда давлатимизнинг спорт шарафини улуғлаган энг яхши спортчиларнинг номларини аниқлади.
- Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилиги Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчиси Ильдор Сероғлазовга катта галаба келтирди. Республика биринчилигидаги бу галабаси учун Ильдор Ўзбекистон спорт устаси унвонига сазовор бўлди.
- Ҳаётда нималар бўлмайдими дейсиз? Наманган вилояти Турақурув туманининг Шохидон қишлоғида Абдумажид Муҳиддинов томорқасига ишлов бераётиб, шудорда ялтираб турган илончани кўрди. Узунлиги 30 сантиметр атрофидаги бу илон икки боши эди. Ҳозирги пайтда мутахассислар илоннинг иккита бош билан туғилиши сабабларини ўрганишмоқда.

ЖАҲОНДА

- Кеча** Қозоғистонда биринчи марта муқобиллик асосидаги президентлик сайловлари ўтказилди. Ҳозирги Президент Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон божхонасининг раҳбари Гани Қосимов, коммунистлар етакчиси Серикболсин Абдолов ва таниқли эколог Энгельс Ғабасовлар республиканинг набатдаги етти йил мобайнидаги раҳбарлиги лавозимига даъвогарлик қилмоқдалар. Бугун овоз беришнинг дастлабки натижалари маълум бўлди.
- Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Бош вазир Евгений Примаков зиммасига МДХ мамлакатларидаги интеграция жаранларини ва уни ислоҳ қилишни фаоллаштириш бўйича ишларни шахсан ўз назоратига олишини топширди.
- Туркия Социал-демократлар партияси етакчиси Бюлент Эвевит 19 йиллик танаффусдан кейин яна мамлакатни бошқарадиган бўлди. Собиқ Бош вазир Месут Йилмаз истеъфода чиққаннан сўнг мамлакат Президентини Сулаймон Демирел Б. Эвевитга янги ҳукумат тузишни топширди.
- 21 январь куни Минскда ички мамлакат парламент ассамблеясининг навбатдан ташқари мажлисида Беларуссия билан Россия Иттифоқининг бюджет лойихаси муҳокама қилинди.
- НАТО армиясининг Европадаги қўмондонни генерал Уэсли Кларк Сербияни Косово бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўла бажармасликда айблади.
- Бугун** Молдова қасба уюшмалари иш ҳақини тўлашни талаб қилувчи оммавий равишдаги ҳаракатларини бошлашни кўзда тутишмоқдалар.
- Туркманистон Президенти Сапармурод Ниязов Ашгабатда қурилиш мўлжалланган Мустиқлик ёдгорлигини лойихаси учун очик танлов эълон қилди. Давлат раҳбарининг фикрича, ёдгорлик лойихаси асрлар давомида халқ ордуси ушлаганлигини, буюк мустиқликнинг намоён қилиши керак.
- Кеча** Римда олий даражадаги Италия-Япония музокаралари низоҳасига етди. Япония Бош вазири Кайдзо Обути мамлакат раҳбарлари билан урваши ва Рим қатлиқ черковининг бошлиғи Папа Иоан II томонидан қабул қилинди.
- Малайзиянинг бош прокурори собиқ Бош вазир Анвар Иброҳимнинг қамқоғонада қатъик калтакланганлиги ҳодисаси бўйича олиб борилган тергов ишлари якутини халққа эълон қилди. Оқибатда ҳукумат ва шаҳсан Бош вазир Махатхир эътиборига қатъик танқидий мулоҳазалар айтилди.
- Ўтган жума куни Бокун яқинидаги тартиби кучайтирилган қамқоғонада хибсдагиларнинг исёни кўтарилди. Қамқоғонанинг иккита ходими ўлдирилди, соқчи 18 аскар ва зобитлар гаровга олинди. Жиноятчилар мамлакатдан чиқиб кетишлари учун самолёт берилишини талаб қилдилар. Бироқ аэропорт йўлида қамқоғонлар тушган автобус ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан отилган уқларга дуч келди, натижада 13 жиноятчининг ҳаммаси ўлдирилди.
- Кеча** Сомали жанубида ҳаракат қилаётган қуролланган гуруҳ ҳалокатга учраган кема экипажини гаровга олди ва 21 кишини озод қилиш учун 100 миң доллар тўлашини талаб қилмоқда.
- Малика Диана ҳалокати тўғрисидаги иш узасидан олиб борилган тергов низоҳасига етди. Ҳеч кимга айблов қўйилмади.
- Кеча** Исроил парламентининг делегацияси икки кунлик расмий ташриф билан Эстонияга келди.
- Таниқли Америка дипломати Генри Киссенжер ўтган жума куни ўзининг Озарбайжонга қилган ташрифи чоғида Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев билан Туркиянинг Жайхун шаҳрига нафть қувури етказишни бунёд этиш масалаларини муҳокама қилди.
- Кеча** Ироқ парламенти мамлакат ҳукуматини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясини тан олмасликка даъват этди. Бағдод Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини сўзсиз бекор этишни талаб қилмоқда.
- Халқаро Олимпия Кўмитасининг қарорига кўра Американинг Солтлејд-Сити шаҳри XIX Олимпия уйинларининг маркази эътиб танланди.

Анжуманлар

АЁЛЛАР ЙИЛЛИГА БАҒИШЛАБ

Сергели тумани ҳокимлигида Аёллар йилга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда туман ҳокими М. Йўлдошев, туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ф. Орипова сўзга чиқиб, Аёллар йилида қилинадиган ишлар ҳусусида тўхталишди.

Конференцияда Олий Мажлис депутатлари Мукаррам Азимова, Алижон Қирғизбоев ҳам сўзга чиқиб, туман хотин-қизлар кўмитасини қўллаб-қувватлаб туришларини баён этдилар.

Насиба РАЙИҚУЛОВА.

Ҳамкорлик

САКСОН МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲАЖМДА

Республика «Узулгуржибержасавдо» муассислигида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг фаолияти тобора ошмоқда.

Биргина Намангандан пойтахтга кўчириб келинган Ўзбек-Канада қўшма корхонаси ўтган йили 36 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун полиэтлен халтачалар ишлаб чиқарди. Бу йил 250 миллион сўмлик маҳсулот чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, Туркия билан ҳамкорликдаги пластмасса сув қувурлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонанинг йиллик маҳсулоти 24 миллион сўмлик етди. Корхонанинг бу йилги режаси эса 80 миллион сўмни ташкил этади. Гулбаҳор МҮМИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда кулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 1999 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
- Зиёратчилар рўйхати фуқароларни ўз ўзини бошқариш ташкилотлари орқали кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузилсин.
- 1999 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита ёрдам кўрсатсин.
- «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси /А.Рўзметов/ 1999 йил март-апрель ойларида зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб келишлари учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг ҳаражатларини камайтириш чораларини кўрсин.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/, Ташқи ишлар вазирлиги /А.Комилов/, Давлат божхона қўмитаси /У.Комилов/ Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ф.Назиров/ Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўриқдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ ва Миллий хавфсизлик хизмати /Р.Иноятов/ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган қўнғилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки /З.Мирхўжаев/ Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1380 /бир миң уч юз саксон/ АҚШ долларини имтиёзли — воситачилик ҳақи олманган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.
- Зиёратчиларнинг тегишли микдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.
- Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган микдорда конвертация қилинсин.
- Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг чет эл банкларидagi корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширадими.
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоида, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошқора ёритиб бориш тасвия этилсин.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 8 январь

«Шарқ гули» хиссадорлик жамиятида чеварлик ҳунарини кўз-кўз этаятган хотин-қизларимиз Аёллар йилида янги муваффақиятларни кўлга киритишга аҳд қилганлар.

— Корхонамизнинг 3 та маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий цехларида асосан дилбар аёлларимиз меҳнат қилишди, — дейди бош муҳандис Кимёхон Қасимова. — Ўтган йилни имкониятларимиз даражада меҳнат муваффақиятлари билан якунладик. Кўзда тутилган 27 миллион сўмлик ўрнига 38 миллион сўмлик низоҳатда нафис ва ғўзал маҳсулотлар ишлаб чиқариш, харидорлар эътиборини жалб этди. Аёлларимизнинг меҳр-муҳаббат ҳамда нозик дид билан тиккан зарворурак паллақлар, гулқўрпақ сўзаналари, кирпечу чойшаблари Оила йилида ёш оилаларимиз хонадонларини бахтга бурқаб беади, десам янгилимайман. Айниқса, қуёв ва келинларга атаб тикилган янги маҳсулотларимиз — тўну нимчалар, мустиқлиқ диёримиздаги эзгу ниятли хонадонлардаги чақалоқлар йиғисига ҳамоҳанг бўлган кўрпачау бешик анжомлари ўтган йилги изланишларимиз самараси бўлди. Жамоамизда ўз меҳнатлари, яратувчанликлари, тадбиркорликлари билан эътиборга сазовор бўлаётган аёлларимиз жуда кўп. Улар

Саноат

РАНГ-БАРАНГ ЖИПОЛАРДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларда эса мустиқлигимиз шарофати билан эришган бугунги ютуқларимиз ўз аксини тошмоқда. Албатта, режалар ҳам бисёр. Улардан бири Буюк Британия билан ҳамкорликда қўшма корхона бунёд этишдир. Замонавий дастохлар ёрдамида янада ғўзалроқ, сифатлироқ маҳсулотлар яратиш, нафақат республикамиз, балки чет эллик харидорларга ҳам уларни маъқул қилиш йўлидаги интилиш бугун жамоа чеварларининг диққат марказида.

Шоҳиста БОТИРОВА.

Мурувват

КўНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

Мурувват, саҳоват туйғуларини халқимизнинг эзгу одатларидандир. Айниқса, болажонларнинг дилларига қувонч бағишлаш энг савоб ишлар қаторига кириши сир эмас.

Мурувват

Мирзо Улуғбек туманида ташкил этилди. Шу куни болажонлар Ватанимиз, Истиқлол тўғрисидаги шеърларни ўқиб, қувонч рақсларга тушишди. Ўзбек халқ артаклари асосида тайёрланган қизқарли саҳна

кўринишларини мириқиб томоша қилишди, билагонлик, топқирликларини намойиш этган ҳолда виториналарда катнашишди. Тадбир охирида богчанинг ҳамма тарбияланувчиларига «Қизлар» фирмаси томонидан ажратилган совғалар топширилди. Дамир ИСЛОМОВ.

Ватан ҳимоячилари кунин олдида

Посбонлар

ҚАСАМЁДГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР



Мен бунин чиройли сўзлаш учун тўкиб чиқарётганим йўк. Мен бунин ҳарбий Қасамёд қабул қилаётган йигитларнинг кўзларидан, юзларидан, қалбларидан ўкиб олдим. Қадим китобларни кўздан кечирсангиз, Ватан ҳимоясига, душманни махв этишга отланган алип йигитларнинг халқи, қавми, суоқли ёри олдида ўз бурчига содиқ қолишни қасамёд қилишни кўрамиз. Биз ана шундай мард, жасур, бир сўзли аждодлар зурриёдларимиз. Ҳа, қасамёднинг замирида буюк бир хилқат яшайди. Зобит Б. Ибрагимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб, посбонларнинг ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантаналарида иштирок этар эканман, хаёлимдан шу каби ўйлар кечди. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, ҳавонинг тунд қиёфаси посбонларнинг мазкур тантанаси бошланиши биланок ёришиб кетди. «Пешонаси ярқираган йигитлар-да» бунга ўзича изоҳ берди майор А. Хўжаев. Ҳа, гўё Қасамёд қабул қилаётган аилларнинг ниятлари холис, юракларидан отилиб чиқётган каломлари самимий эканлигини табиат ҳам бир қарра исботлаб тургандай. Ватанига, Президентига, халқига содиқ қолиш ҳақида қасамёд қилаётган посбонларнинг ота-оналари калбидан қандай ўй-хаёллар кечмоқда экан, дея уларга яқинлашаман. Севинч, қувонч, ҳаяжон ҳарорати уларнинг юзларидан шундай ёғиб турарди. — Мен Муқаррам Усмоновман. — Хўв ана, Қасамёд қабул қилишга шаддам қадам билан чиқётган йигит Дилмуродбек менинг ўғлим. 6 нафар ўғлим бор, бу тўртинчиси. Дилмуродимнинг ўз она юртини, мустақил Ўзбекистонини ҳимоя қилишга киришганидан менинг бошим осмон. Хурсанали Исоров — оддий аскар Шавкатбек Исоровнинг отаси: — Уғлимиз институтни тугаллаб, ўз аризасига кўра ҳарбий хизматга келди. Шавкатбекнинг халқи,

Ватани хизматига отлангани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бугунги шодиёнасига онаси билан бирга келганмиз. Ишонамизки, у қасамёдга содиқ қолади, юзимизни ерга қаратмайди. — Улуғбекимдан умидим катта, муҳбир ука, — суҳбатимизга қўшилди Тубихон ая Эргашева. — Уни ўқитиб, олий маълумотли қилдик. Энди йигитлик бурчини ўташига оқ фотиҳа бердик. Акаси Бобур Эргашев ҳам ҳарбий хизматда — лейтенант. Она фарзандлари ҳақида гуруру, ишонч билан сўзлаяпти. Улар ҳеч қачон оқ сут берган она ишончини синдиришмайди. Ҳарбий Қасамёд қабул қилган посбонларни табриклаш тантанаси бошланди. Командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари зобит Н. Носиров посбонларни кўтлаб, олдинда турган масъулиятли жанговар хизматларида муваффақиятлар тилади. Офицерлардан майор Ф. Тўраев, катта лейтенант Б. Одиловлар йигитларни қасамёдга содиқ қолишга даъват этди. Шунингдек, прапорщик Ш. Раманов, сержант Б. Турқадзе, фахрий М. Ашуров, аскар онаси М. Усмонова, қасамёд қабул қилган посбонлар номидан сўзга чиққан оддий аскар Қ. Қурбонлар ўз табрикларидан самимий тилакларни билдиришди. — Ишонамизки, жанговар хизматда маҳорат чўқиларини эгаллаб, ватанингизга садоқатли посбон бўласизлар — деди ўз тартиги давомида қисм командири зобит Б. Ибрагимов. Тантана тугагач, Қасамёд қабул қилган посбон оддий аскар Каҳрамон Қурбоннинг дил сўзларини қоғозга туширдик: — Ватан олдидаги бурчимиз энг муқаддас туйғу. Мен юракка яқин нарсаларни муқаддас ҳисоблайман. Демакки, юрагим уриб турар экан, бунга хилоф иш туюлмайман. Ватани, унинг олдидаги бурчингизни доимо юрак тўрида асрасангиз, халқ сизни бошига кўтарарди, она ўзининг мард посбонлари!

Алижон САФАРОВ, катта лейтенант.

Конституция яшамоқда ва амал қилмоқда

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ



— Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтар экан, унинг давлат қурилиши ва иқтисодийтини ислоҳ қилиш дастурининг муҳим қондаларидан бири қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашдир. Бунинг демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. — дейди суҳбатдошимиз — Тошкент Давлат юридик институтининг доценти, юридик фанлари номзоди, юридик хизмат факультети декани Сотиболди БОБОКУЛОВ.

Бозор муносабатларига мос келадиган ҳуқуқий асосни шакллантириш узок давом этадиган жараён. Бунинг учун янги ҳуқуқий тизимни ишлаб чиқиш керак бўлиб, унинг базасини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади.

Хозирги вақтда давлат қурилиши иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга тааллуқли ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратуви бир қанча қонунлар қабул қилинган. Жумладан, уларнинг асосийлари давлат қурилиши соҳасида сайлов тизими, Конституциявий суд, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, прокуратура, ички ишлар органлари, маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув тўғрисидаги қонунлардир. Ёки иқтисодий соҳада мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинган солиқлар, таъминот тўғрисидаги қонунлар, ижара, кооперация, чет эл инвестициялари, қимматбаҳо қоғозлар, валютани тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар. Ижтимоий соҳада оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, фуқароларни давлат пенсияси таъминоти тўғрисида, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, нафақа билан таъминлаш ва бошқаларга доир қонунларни қайта қилишимиз мумкин. Бундан ташқари инсон манфаатига қаратилган ва кишиларни яшаш, эркин иқтисодий муносабатларини қарор топтирувчи Уй-жой кодекси, Давлат ер кадастри, Қимматли қоғозлар бозоридида депозитарийлар фаолияти, ҳўжалик юретиш субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳўқуқий базаси, автомобиль транспорт тўғрисидаги қонунларда ҳам адолат меzonлари ўз аксини топанлигини кўради. Ушбу қонунлар ҳаётини, амалиёт билан боғлиқ бўлиб, фуқаролар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, бозор муносабатларига ўтишини барча амал қиладиган қондаларини фаолиятга жорий қилиб боради.

Қонунийлик бу Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан амалдаги қонунлар ва қонун ҳужжатларини аниқ ва осимай бажарилишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар конституция ва қонунларга мувофиқ иш қўрадилар», дейилган.

Конституциянинг биронта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Бу ўринда Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида, халқ депутатлари вилоят кенгашлари урушувларида хозирги бозор иқтисодиётида айрим қонунбузарлик, қўбўямачиликлар содир этилаётганлигини алоҳида таъкидлаган қонунлар. Ҳамма жойда ҳам қабул қилинган қонунларимизнинг асл моҳиятини тушуна билиш, уларни фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш кейинги вақтларда анча сусайганини кузатишмоқдамиз. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳоли ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаолигини ошириш, ислохотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб бораётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Шунини таъкидлаш жоизки, 1997 йил 25 июндаги Фармон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қондаси юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда 1997

Йил 23 июлдаги ҳуқуқий маърифат-тарғибот марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисидаги қарорлари, таълим тизимини тақомиллаштириш ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш масаласи кун тартибига қаратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Конституцияимизнинг энг катта ютуқларидан бири шундаки, у фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда бурчларини олий даражада дунёдаги энг илгор сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ва гоилар асосида тўлдирилганлиги билан ажралиб туради. Конституциянинг иккинчи бўлими ҳам фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган бўлиб бўлиб, бунда инсон ҳуқуқларига доир энг асосий йўл-йўриқлар ва қондалар мужассамланган. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мулкчилик муносабатларини олишимиз мумкин. Унда «Давлат» истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устуворлигини ҳисобга олиб иқтисодий фаолият тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларидаги тенг ҳўқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деган жумлалар бор.

Хозирги пайтда қилинаётган ишлар, олиб борилаётган сиёсатлар Ўзбекистоннинг сиёсат, иқтисодиёт ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар йўлида олға ташлаётган қадамнинг муҳим босқичи деб биламиз.

Жамиятимизда тозариларни ва янгиланишларни амалга оширишда инсон омилга аҳамият берилиб, 1997 йил Инсон манфаатлари, 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг зарур ҳўқуқий ва моддий асосларини барпо этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар иккита дастурий ҳужжатда ўз аксини топан, булар Инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича 1997 йилга мўлжалланган тадбирлар ва иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш дастуридан иборат. Президент бу ҳақда тўхталиб, «Биз — дейди, инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шартот, имкон яратмасдан бу манфаатларни фол бунёдкор яқч сифатида эътироф этмасдан туриб янгиланиш, тараққиёт йўлидан тўра ва изчил ҳаракат қўлолмастлигимизни ўзини бир бор англаб олдик».

Шунинг учун ҳам инсон манфаатларини таъминлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар қай даражада тўла ва муваффақиятли бажарилаётганлиги алоҳида эътибор талаб қилади. Бу борада бир талай ишларни амалга оширишимиз муҳимлигини таъкидлайди:

1. Шахсинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилаларнинг ҳар бир алоҳида кишининг турмуш шартоти ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.
2. Бюджет ташкилотлари ходимларига маошларни, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш таъминланмоқда.
3. Ижтимоий соҳани, айниқса қишлоқ жойларда ва шаҳар жойларда аҳолини ўй-жой билан таъминлаш.
4. Республикада инсон ҳўқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳўқуқий ва институционал асослари шаклланди. Янги жамоатчилик марказлари ташкил қилинди.
5. Миллий аъёналар, маънавийни тиклаш инсоннинг маданий ва маънавий интеллектуал фаолиятини рўёбга қиришга катта эътибор берилмоқда.
- Хўлоса қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда қилинаётган, амалга оширилаётган, режалаштирилётган ишларни бутун жаҳон иқтисодчилари, сиёсатчилари кўпгина ҳўқумат раҳбарлари бундай қисқа вақтда шундай ютуқларга эришаётганимизни кўриб лол қолмоқдалар.

Бунга ёркин мисол, ўтган йил 6 ноябрь кунин Тошкентда ўз ишини яқунлаган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессиясининг яқуний йилги йилгида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки шундай дейди: «Узоқ йиллар Урта Осиёга Буюк ипақ йўли бўйлаб саёхат қилиш, гарчи бу минтақа кўп юз йиллар давомида урушуш ва алмашувида чорраҳаси бўлган бўлсада, фақат орзум бўлиб келди. Биз маълум танавфуздан сўнг Урта Осиё тарихи учун асосий тушуна ҳисобланган алоқаларнинг қайтадан сиёсат, маданият ва иқтисод соҳасида алмашуви имкон берганидан хурсандимиз».

Ўзбекистон халқлари бутун дунё халқлари ва жамоатчилиги ҳаётининг ҳамма соҳаларида илгарилаб бораётганлигини кўриб ижобий фикрлар билдиришлиги бизнинг ютуғимиздир.

Маъмура РЎЗИЕВА ёзиб олди.

Эр йигитнинг гапи битта бўлади. Эр йигитда лафз бўлади. Унинг ваъдасида, унинг лафзида гуруру яшайди, номусор яшайди. Улса ўладики, гурурига, номусорига оёқ кўймайди ўзбекининг йигити.

Мен бунин чиройли сўзлаш учун тўкиб чиқарётганим йўк. Мен бунин ҳарбий Қасамёд қабул қилаётган йигитларнинг кўзларидан, юзларидан, қалбларидан ўкиб олдим. Қадим китобларни кўздан кечирсангиз, Ватан ҳимоясига, душманни махв этишга отланган алип йигитларнинг халқи, қавми, суоқли ёри олдида ўз бурчига содиқ қолишни қасамёд қилишни кўрамиз. Биз ана шундай мард, жасур, бир сўзли аждодлар зурриёдларимиз. Ҳа, қасамёднинг замирида буюк бир хилқат яшайди. Зобит Б. Ибрагимов командирлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб, посбонларнинг ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантаналарида иштирок этар эканман, хаёлимдан шу каби ўйлар кечди. Табиатнинг мўъжизасини қарангки, ҳавонинг тунд қиёфаси посбонларнинг мазкур тантанаси бошланиши биланок ёришиб кетди. «Пешонаси ярқираган йигитлар-да» бунга ўзича изоҳ берди майор А. Хўжаев. Ҳа, гўё Қасамёд қабул қилаётган аилларнинг ниятлари холис, юракларидан отилиб чиқётган каломлари самимий эканлигини табиат ҳам бир қарра исботлаб тургандай. Ватанига, Президентига, халқига содиқ қолиш ҳақида қасамёд қилаётган посбонларнинг ота-оналари калбидан қандай ўй-хаёллар кечмоқда экан, дея уларга яқинлашаман. Севинч, қувонч, ҳаяжон ҳарорати уларнинг юзларидан шундай ёғиб турарди. — Мен Муқаррам Усмоновман. — Хўв ана, Қасамёд қабул қилишга шаддам қадам билан чиқётган йигит Дилмуродбек менинг ўғлим. 6 нафар ўғлим бор, бу тўртинчиси. Дилмуродимнинг ўз она юртини, мустақил Ўзбекистонини ҳимоя қилишга киришганидан менинг бошим осмон. Хурсанали Исоров — оддий аскар Шавкатбек Исоровнинг отаси: — Уғлимиз институтни тугаллаб, ўз аризасига кўра ҳарбий хизматга келди. Шавкатбекнинг халқи,

Мустақил Ўзбекистоннинг пойтахти жаҳоннинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олмоқда. Саноати тобора юксалиб бораётган Тошкентимизда янгидан-янги корхоналар сонининг ортиб бораётганлиги қувончлидир. Улар жумласига «Элеаф» масъулият чекланган жамиятни киритиш мумкин. Унинг раҳбари Файрат Қурбонов яна бир тадбиркорликка кўл урди.

Шаҳримизнинг Феруза даҳасида жойлашган 3-трамвай-троллейбус саройи раҳбарлари билан учрашганимизда, уллар бизга: «Хайдовчилар ҳақида кўп ёзасизлар, лекин уларнинг ишини енгилаштирадиган касб эгалари — тунги хизматчилар ҳақида ҳам ёритинглар» дейишди. Шу боисдан таъмирлаш устaxonаси томон йўл олдик.

— Мен янги гоилар, яхши тақлифлар билан яшаш ва ишлашни ёқтираман, — дейди Файрат Қурбонов. — Туркиядан келтирилган гулқоғозлар савдоси билан шуғулланар эканмиз, хаёлимдан «Нимага шундай маҳсулотни ўзинида тайёрлай олмаймиз?» деган савол ўтди. Ўзим таваққалчи бўлганлигим сабаблими ўйлаб кўриб, мута-

Цехда иш қизгин. Чилангарлар 90 та троллейбусга техник хизмат кўрсатишади, уларни тунг палласигача йўловчилар ҳузурига хозирлаб қўйишади. Хўш, бу фидокорлар кимлар? Бизни балинд бўйли, қорачадан келган, устига жомакор кийиб олган йигит — жойлаштурувчи-хайдовчи Раҳматилла Ҳайдовчилар кўчи олди. У турмуш ўртоғи Муслимаҳон билан

созлашда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланмоқдалар. Исмоғил Аширов бошчилигидаги баллонсозларнинг самарали меҳнатларидан ҳам жаммоа рози. Қадоқ кўлли усталар Зайнитдин Нуритдинов, Шоносир Шораҳимов, Николай Дедьяненколар бир сменада 10-15 та баллонни таъмирлайдилар. Икром Аширов, Аҳрор Эшон-

Саноат ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

хассислар билан маслаҳатлашиб «Килса бўладиган иш» деган хўлосага келдик ҳамда Англиянинг «Нексус» ва Туркиянинг «Эже» фирмалари билан алоқани мустаҳкам йўлга қўйдик. Бунинг натижасида пойтахтимизда шу йил апрелда «Империл» кўшма корхонасини очишга муваффақ бўлдик. Бугунги бунёдкорлик ишлари кўламини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимизга йилга 4-5 миллион ўрам девор гулқоғози зарур бўлишини ҳисобга олган тадбиркорлар, энг аввало ўз қурилиш ташкилотларининг сифатли, импорт ўринини бемалол боса оладиган маҳсулот тайёрлашни йўлга қўйдилар. Янги корхонага ишчилар танлаб олиниб, уллар махсус тайёрларидан ўтказилди. «Нексус» фирмаси лицензияси асосида туркиялик мутахассислар томонидан ўрнатилган замонавий технология тез кунларда ўз самарасини бера бошлади. Маҳсулот — чет элликдан қолишмасида, нархи анчагина арзонлиги билан ўз буюртмачиларига эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга кўшни давлатлардан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида тақлифлар тушаётгани қувонарли ҳолдир. — Цехимизга ўрнатилган замонавий линия орқали бир сменада 1 миллион 200 минг

Транспорт ТУННИ ТОНГГА УЛОВЧИЛАР

20 йилдан бери шу саройда меҳнат қиларкан. Унинг шоғирдлари Тўйчи Олтинбоев, Турғун Алимбоев, Равшан Раимбеков, Муса Курбонлар бугунги кунда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида тадбиркорлик билан иш олиб бормоқдалар. Раҳматилла ака ёш хайдовчиларнинг касб маҳоратини оширишда тунда машина бошқариш сирларини эринмай ўргатгани-ўргатган. — Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги жиддий муаммолигича қоляпти, — дейди суҳбат чоғида таъмирлаш устaxonасининг бошлиғи Лутфулла Саидов. — Ички имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда бу йили 5 та ихтирочилик тақлифи жорий қилинди. Электр тоқини аккумулятор батареясига тақсимлаб бериш таркиби қайта ишлаб чиқарилди. Албатта тунда меҳнат қилиш кундузига қараганда анча оғир кечади. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида 90 та троллейбусни йўловчилар хизматига тайёрлаб қўйишнинг ўзи бўлмайди! Саройда 59 та «Шкода», 15 та ЗИУ-683, 36 та ЗИУ-682 русумли троллейбуслар мавжуд. Бу транспортларнинг техник мустаҳкамлиги асосан чилангарлар зиммасида. Виктор Севостьянов етакчилигидаги электрчилар тонг сахарга носоз эшик, двигател, тормоқ қисмларини

хўжаев, Максим Гильфановлар эҳтиёт қисмларнинг камбўлирларига қарамай, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ҳар кунин йўловчилар хизматига белгилаган троллейбусни яроқли ҳолда сарой дарвозасидан чиқаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. 3-тоифали чилангар ва сардор Икром Аширов 18 йил аввал таъмирлаш устaxonасига келган экан. Уни суҳбатга тортидик. — Чилангарлик касбига қандай меҳр уйғонди сизда? — Акам Исмоғил Аширов шу ерда баллон цехида меҳнат қиларди. Уйдан у билан бирга келишни жуда ёқтирардим. Бориб-бориб депога кўп қатнайдиган бўлиб қолдим. Қарабсизки, чилангарлик хунарини эгаллашга иштиёқ ортди. Мана, ҳозир ҳамкасбларим қатори шоғирдим Бахтиёр Ақромовга чилангарлик сирларини ўргатмоқдаман. Таъмирлаш бригадамиз аҳил ва ҳамжихат, — дейди Икром Аширов фахрланиб. Тонг сахарда сарой янада гавжумлашиб кетди. Хайдовчилар бирин-кетин ўз машиналарини хонасига ўтиришади. Синовдан ўтган троллейбуслар йўловчилар ҳузурига ошиқарди... Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.



«Маҳзуна» хусусий ательесида кўплаб чеварлар меҳнат қилади. Шулардан бири суратда тасвирланган Лола Алимовадир. Козим Улмасов олган сурат. Флора ФАХРУТДИНОВА.

